



ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” АСАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ХУСАНОВ З.Т.

подполковник, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари
Академияси Қуролланиш ва отиш кафедраси Қурол-аслаҳа ва ўқ-
отиш тайёргарлиги фани амалиёти цикли ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7648090>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-fevral 2023 yil
Ma'qullandi: 10-fevral 2023 yil
Nashr qilindi: 17-fevral 2023 yil

KEY WORDS

Темур тузуклари, Амир
Темур, ёш ҳарбий
хизматчилар,
ватанпарварлик руҳи,
тарбия.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Амир Темур ҳарбий-илмий соҳада олиб борган беназр фаолияти ва унинг натижасида ҳарбий хизматчиларни юксак Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида ёритилган.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни юксак Ватанпарварлик руҳида тарбиялашда буюк саркарда Амир Темурнинг ўрни бениҳоя каттадир. Биз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларини дунёда неки энг кучли, энг жозибали, энг маҳобатли бўлса шуларга қиёслашимиз мумкин.

Буюк давлат арбобининг тарихдаги ўрнига юксак баҳо берилган. Амир Темур дунё тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбобиғина эмас, балки Мовароуннахрни шунингдек, Самарқандни ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантирган шахс бўлган. Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари бугунгача қад кўтариб турибди. У томонидан яратилган “Темур тузуклари” бугунги кунгача тарихий-ҳуқуқий тадқиқот сифатида алоҳида долзарблик касб этади. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асосий тарихий манбалар бениҳоя кўп ва хилма-хил бўлиб, бу унинг номи, жаҳон тарихидаги роли беқиёс эканлиги ва ғоят машҳурлигидан далолат беради.

“Темур тузуклари” илмий жамоатчиликни 600 йил мобайнида қизиқтириб келмоқда. Рус олимларидан бири Д.И. Логофет “Тузуклар”ни ўрганиб ва унга юксак баҳо берган ва “Туркистонда ҳуқуқий давлат ва Конституцион Кодекс Европадан 500 йил олдин вужудга келган”, деган фикрни илгари суради. Буюк аждодимизнинг энг муҳим фазилятларидан бири шуки, ул зот бундан олти аср аввал давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, узоқ ва яқин халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш ўз салтанати ёрқин истиқболини таъминлашнинг муҳим омили эканини теран англаган.

Амир Темур ўз «Тузуклари»да ислом дини ва шариат қонунларига таянмайдиган ҳокимият узоққа бормай, ўз қудратини йўқотади, шунинг учун подшоҳлик, албатта, дин ва шариат қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилиши лозим, деб ҳисоблайди [1; 27-

б.].

XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган маърифатпарвар олим Аҳмад Дониш Амир Темур шахси ва фаолиятига ҳамда унинг «Тузуқлар»ига юксак баҳо берган эди. “Жаҳон тарихида ҳар минг йиллик ёки юз йилликларда бирин-кетин уни янгиловчилар дунёга келиб турадилар, худди шунингдек, бир эранинг тамом бўлиши, бошқасининг бошланишидир. Қачонки, жаҳон йилномалари минг йиллик ва юз йилликларга тўғри келар экан, мусулмонлар орасида, албатта, Юпитер, Меркурий ва Зухро юлдузларининг хислатларини ўзида мужассамлаштирган, дин ва имонни янгиловчи инсонлар ва ана шундай хислатларни ўзида гавдалантирган давлат бошлиқлари ҳамда уларга ёрдам берувчи кишилар дунёга келади. Агар чуқурроқ назар ташласак, ҳар бир касб-ҳунарда, санъатда шундай янгиловчиларни кўрасан, одатда эса кишилар буларга эътибор қилмайдилар. Биз учун барча минг йиллик ва юз йилликларнинг янгиловчиларини аниқлаш муҳим эмас. Ким буни хоҳласа, “Тузуки Темурий”дан аниқлаши мумкин” [2; 147-б.], – деб ёзади олим.

Аммо Темурнинг давлат бошлиғи сифатидаги ўзига хослиги шундан иборат бўлганки, у қонун чиқариш ҳокимиятида ҳам иштирок этган. Бунга унинг «Тузуқлар»и яққол мисол бўла олади. Ана шу фикрларга, шунингдек, Темур тузуқларига суянган ҳолда, ҳулоса қиладиган бўлсак, бу давлат ўзига хос тузилиш шакли бўйича ўрта аср империяси (салтанати), бошқариш шакли бўйича ўзига хос шарқона мутлоқий монархия эди.

Темур тузуқларида қайд этилишича, салтанат ишларида энг биринчи галда тўрт нарсга амал қилиниши лозим: 1. Кенгаш. 2. Машварату маслаҳат. 3. Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик. 4. Эҳтиёткорлик [3; 52-53-б.]. Давлатни шакллантириш борасида эса у яна муҳим саналган тўрт устунга суяниб фаолият юритган: 1. Ислон ва шарият қоидалари. 2. Тўра ва тузуқлар. 3. Ҳазина. 4. Райят ва аскар [1; 27-б.].

Соҳибқирон Амир Темурнинг бундай қарорга, жиддий тўхтамга келиши – давлат юритишда мазкур тамойил ва устунларга суяниши ўз-ўзидан ёки қайсидир бир сиёсий тизимларга таяниш орқали эмас, балки у аجدодларнинг давлатчилиги ва қонуншунослиги борасидаги энг яхши анъаналарини замонасининг талабларига уйғунлаштирди, уларни адолатли тамойиллар даражасига кўтара олди, чунончи ушбу қарорга келишгача бўлган даврда энг олий анъаналардан тортиб, ҳатто пири Зайнуддин Абубакр Тойибодийнинг маслаҳатларигача пухта ўрганди, унга суяниб иш тутди.

“Тузуқлар”да кўрсатилишича, давлатни бошқаришда кенгашиш, маслаҳат ҳамда тадбиркорликка катта аҳамият берилган. “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қиличдир”[4; 25-б.], – дейилади унинг биринчи мақоласида. Шу ҳақиқат шубҳасизки, “Темур тузуқлари”да давлатни бошқаришдаги деярли бош ғоялардан бири сифатида кенгаш, машварат ва тадбиркор бўлиши кўрсатилган. Бунда у, албатта, энг аввало, ўз яқинлари, зодагонлар, йирик амалдорлар билан кенгашни назарда тутган.

Бунга қурултойлар, шунингдек, ҳарбий юришлар олдидан қўшин бошлиқлари бўлган амирлар ва амирзодалар (ўзининг ўғиллари) билан ўтказган кенгашларини киритиш мумкин.

Фақат бошқаришда эмас, ҳарбий ҳаракатларда ҳам, кенгашларга, айниқса, катта

аҳамият берилган. «Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри кенгаш билан амалга ошириш мумкин», деган сўзлар бунга гувоҳдир.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темурнинг энг асосий тарихий хизмати шундан иборатки, айнан унинг ҳукмронлиги даврида Европа ва Осиё қитъалари илк бор ўзларининг бир геосиёсий майдонда яшаётганларини ҳис этганлар. Соҳибқирон савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонда ҳозирда, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш сари бораётган эканмиз, у бўш жойда эмас, ўзининг тарихий илдизлари бор жойда қурилмоқда.

Амир Темур давлати ва унинг «Тузуклари»даги бу борадаги қарашлари ана шу жараённинг бир босқичини ташкил этади.

Ҳозирги кунда Амир Темур ва Темурийлар мавзуига бағишлаб яратилган йирик асарлар сони Европа тилларида беш юздан, Шарқ халқлари тилларида эса мингдан ортиқни ташкил этади. Бу мисол асрлар давомида жаҳон тарихининг ёрқин сиймоларидан бири – Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Темурийлар тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш дунё миқёсида ҳеч қачон сусаймаганидан далолат беради. Аксинча, кейинги вақтда дунёда, айниқса, Европада ушбу мавзуга эътибор янада ортгани кузатилмоқда ва албатта биз учун қувонарли ҳолдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 27- б.
2. См.: Трактат Ахмад Дониша. История Мангитской династии. Перев. предис. и примеч. И.Наджафовой. – Душанбе: Дониш, 1967, – С.147.
3. Социально-политические представление в исламе. – Москва, 1982. – С.52-53.
4. Темур тузуклари. – Т.: "O'zbekiston", 2019. – 184 б.